

Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Термиз тумани Кенгаши фермер ва дехқонлар ҳамда томорқа ер эгаларига мурожаати



Ҳурматли ва азиз фермерлар, дехқонлар ҳамда томорқа ер эгалари!

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кўкаlamзорлаштириш, ўсимликларни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кўчат экиб, боғ яратиш – халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Зоро, ўзимиз яшаб турган жойни ободонлаштириш ва кўкаlamзорлаштириш туфайли кўнглимиз шодликка тўлади, турмушимиз файзли ва фаровон бўлади.

Айни чоғда боғлар, кўчалар ҳамда йўл четларида яшнаб турган дарахтлар теварак-атрофга кўрк улашиши баробарида ҳаво мусаффолигини таъминлаб, дастурхонимизни мевалар билан тўлдиради.

Дарахтларга меҳр бериш, уларни парваришлиш энг эзгу ва хайрли амал саналади. Кўчат экиб, боғ яратиш, атроф-муҳитни тоза ва озода сақлаш халқимизнинг асрлар синовидан ўтган миллий қадриятидир. Зоро, аждодларимиз оиласда янги туғилган фарзандга атаб ерга ниҳол қадаган. Ўша дарахт билан бирга фарзанд ҳам улғайган.

Демак, халқимизнинг ибратли ўтиши ўзимиз яшаётган муҳитда табиатга оқилона муносабатда бўлиб, уни асраб авайлаш, келгуси авлодлар ҳам яшashi учун қулай макон барпо этишга ундейди.

Муҳтарам Президентимизнинг жорий йилнинг 11 октябрь куни бўлиб ўтган йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасида берган кўрсатмалари ана шундай эзгулик йўлидаги жуда ҳам муҳим ташаббусдир.

Президентимиз раислигига «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалар юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда бу борадаги ишларни кенгайтириб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил куз ойида Термиз тумани 405 минг дона, 2023 йил баҳор ойида 680 минг дона дарахт экиш вазифаси белгилаб берилди.

Шунингдек, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бир йиллик тадбир эмаслиги, келгуси беш йилда Термиз туманида 5 миллион тупдан зиёд дарахт кўчатини экиш мақсад қилингани таъкидланди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳа амалга оширилиши ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб қиласидиган кўчатларни танлаб уларни етиштириш учун кўчатхоналар кўпайтирилиши айни муддаодир.

Ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, юртимизда 20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинди.

Қайд этиш керакки, Туманда ўтган йили куз ва жорий йилнинг баҳор ойларида маҳаллаларда, фермер ва деҳқонларимиз далалари четларига ва аҳоли томорқаларида 380 минг зиёд кўчат экилди. Албатта, бу савобли ишларда кўплаб ташкилотлар, маҳаллалар, умуман, кенг жамоатчилик қатори Сиз меҳнаткаш деҳқон ва фермерларимизнинг ҳам муносиб улуши бор.

Ҳурматли фермерлар!

“Долзарб 40 кунлик”да Сиз ҳам далангиз четидаги бўш ерларга тут, ток ва бошқа дарахт кўчатлари экиб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига ўз ҳиссангизни қўшинг.

Бунинг учун мамлакатимиздаги кўчат етиштирувчи бир ярим мингта фермер, деҳқон хўжаликларида ва томорқа ер эгаларида 1,5 миллиондан зиёд тут, ток, тол, ёнғоқ ва бошқа дарахт ниҳоллари мавжуд.

Сиз улар билан ҳамкорлик қилсангиз, юртимиз яшиллик оламига ўзингизнинг муносиб ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Меҳнаткаш деҳқонлар!

Муҳтарам Президентимизнинг алоҳида қарорлари билан жорий йилдан бошлаб пахта-ғалладан бўшаган майдонлардан деҳқон хўжаликлари учун ер ажратилиб, Сизлар шу йилдан бошлаб бу ерлардан даромад олишни бошладингиз.

Сизлар ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланган ҳолда “Бир контур-бир маҳсулот” тамойилини амалга ошириш доирасида дала четига ва кўча бошига

тут, ток ва бошқа кўчатларини экишни ташкил этишга чақирамиз.

Мұхтарам томорқачилар!

Туманимиздаги 29 та маҳалла фуқаро йиғинларида 1600 дан зиёд томорқа ер эгалари фаолият юритади.

Натижалар ҳисоб-китобларда аниқ кўринади. Агар ҳар бир томорқачи ўз томорқасига, маҳалла гузарига ва кўча бошига 10 тупдан кўчат экса, туманимиз бўйича 16 000 туп кўчат экилади. Бундай саховатпешалик билан қилинган ишларингиз таҳсинга сазовор бўлади!

Сизларга тут, ток ва бошқа кўчатлар керак бўлса жойлардаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига мурожаат этишингиз мумкин.

Айни пайтда Республика Кенгаш ҳузуридаги “Қува илмий ишлаб чиқариш” марказида 30 миллиондан зиёд ток, тут ва бошқа мевали дараҳт кўчатлари заҳираси яратилган, ушбу кўчатларни харид қилиб, маҳаллангиз гузарига ва кўча бошларига ҳамда томорқангизга экиб обод қилишга чақирамиз.

Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига сифатли кафолатланган тут, ток ва бошқа кўчатлар билан таъминлаш юзасидан маълумотлар бериб боринг.

Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига кўчатлар харид қилиш бўйича Кенгаш ҳузуридаги Жамғарма маблағларидан имтиёзли кредитлар бериш бўйича тушунтириш ишларини ташкил қилингизлар!

Маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда дараҳтларни парваришлаш, суғориш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш борасида тизим яратиш бўйича ишларни ташкил этишда фаол иштирок этинг;

Кўчатларни етказиб бериш ва нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Кенгаш ҳузуридаги “Қува томорқа ер учаткаларини ривожлантириш илмий амалий маркази”да этиштирилган ток, тут ва бошқа мевали дараҳт кўчатларини фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига тизимли етказиб бериш бўйича ҳар бир туман марказларида кўчат сотиш ярмаркалари ва савдо расталарини ташкил этинг.

Хурматли ва азиз фермерлар, дехқонлар ҳамда томорқа ер эгалари!

Сизларни ҳурматли Юртбошимизнинг юксак ишончини оқлаб, мамлакатимиз равнақи ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш учун “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида эълон қилинган “Долзарб 40 кунлик”да фаол иштирок этиб тут, ток ва бошқа дараҳт кўчатлари экишга чақирамиз!

Бу билан сиз халқимизга хос әзгу фазилатларга ўзингизнинг муносиб ҳиссангизни қўшган бўласиз! Зеро, нафақат ҳовли ва уйларимиз мана шу, маҳалла, шаҳар ва мана шу ватан ҳам ўзимизники. Унинг озодалиги ва кўркамлигига барчамиз масъулмиз.

Ватанимиз ободлигига ўз ҳиссамизни қўшайлик!

**Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Сурхондарё вилоят Термиз тумани кенгаши**